

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ФАКУЛЬТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ
КЕНЖАЕВ ИКРОМНИНГ

*“Мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилган шарт-
шароитлар” мавзусига*

ИЛМИЙ МАҚОЛА

НАМАНГАН-2018

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Кенжаев Икром Эргашбоевич
НамДУ Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси
E-mail: ikromk@mail.ru
Тел: +998 90 260 57 94

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит ва ҳуқуқий база яратилган. Чет эллик инвесторларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонда ихтисослаштирилган ташкилотлар ва муассасалар тармоғи ташкил этилган. Булар – чет эл инвестициялари бўйича агентлик, Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекинвест” Миллий экспорт-импорт суғурта компанияси ва лизинг компаниялари ташкил этилган бўлиб, унинг муассислари Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, «Малай Бэнк Берхард» (Малайзия) ва бизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиздир.

Республикада чет эл инвестицияларини ишончли суғурта билан ҳимоялаш таъминланмоқда. Суғурталашнинг таянч ставкалари халқаро амалиётда қабул қилинганидан анча паст. Ўзбекистонга инвестиция киритган чет эллик сармоядорлар суғурта ҳодисаси юз берса, атиги 30 кун ўтганидан кейин талаб билан мурожаат қилишлари мумкин. Холбуки, жаҳон амалиётида бу муддат 180 кун қилиб белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожатномасида ҳам қўйидаги фикрларни таклиф этилган. “Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир. Шу мақсадда Интернет тармоғида маҳаллий ва хорижий инвесторларни керакли статистик ахборотлар билан таъминлайдиган, бизнес юритиш учун яратилган шароитлар ҳақида маълумот берадиган “Интернет портали”

очишни таклиф этаман¹. Бундай таклифлар хорижий инвесторларни ўз капиталини тезроқ олиб чиқиб кетмасдан, уни қайта инвестиция қилишга ундайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунига кўра чет эл инвестициялари давлат ҳуқуқий ҳимояси билан таъминланиб, уларнинг ҳуқуқий шароити бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шароитидан кам бўлмаслиги, шунингдек чет эллик инвесторлар инвестициясининг ҳажми, тури, йўналишини, бу инвестицияларни амалга оширишда юридик, жисмоний шахслар жалб этишни мустақил белгилаши ва бошқа шу каби ҳуқуқлари таъкидлангандир. Бу Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ ҳимоя қилинишига кафолат беради.

Энг асосийси, республика аҳолисининг хусусий мулкчиликка бўлган муносабати ўзгариб бормокда, бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизда хусусий мулкка асосланган корхона ва фирмаларнинг эркин фаолиятига ижобий таъсир қилади. Агар республикада хорижий капитални қўйишнинг айрим шароитларини бошқа давлатлар шароити билан таққосласак мамлакатда тобора такомиллашиб бораётган инвестицион муҳитни қиёсий баҳолаш мумкин бўлади.

Қуйидаги 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда айрим шароитлар кўпгина бошқа давлатлар шароити билан деярли ўхшаш. Масалан, солиқ ставкаси энг паст ставкада. Ойлик маоши эса миллий валютамининг АҚШ валютасига нисбатан айирбошлаш курси пастлиги, ҳозирча валютани конвертациялаш ишлари олиб

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси, - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 80 б.

борилаётганлиги сабабли бошқа давлатлардаги бу кўрсаткичдан пастдир.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва айрим мамлакатлар иқтисодиётига хорижий капитални қўйиш шароитларининг қиёсий тавсифи²

Давлатлар	Хорижий инвестиция иштирокида барпо этилган корхона устав фондида хорижий инвестиция иштирокининг чегараси	Соликдан бутунлай ёки қисман озод қилиш муддати (йил)	Иш ҳафтасининг давомийлиги (соатда)
Ўзбекистон	30%дан кам бўлмаган	2-7	48
Россия	Чегараланмаган	2	47-49
Хитой	25%дан кам бўлмаган	2-5	48-50
Сингапур	Чегараланмаган	5-10	48
Жанубий Корея	50%дан кам бўлмаган	5	47-49
Малайзия	70%дан кам бўлмаган	2-5	50-60
Таиланд	49%дан кам бўлмаган	3-8	45-50
Индонезия	Чегараланмаган	2-6	47-51

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳити йилдан-йилга такомиллашиб бораётган бўлсада, лекин ҳозирча республика иқтисодиётига йирик ҳажмдаги инвестициялар аста-секинлик билан кириб келмоқда. Бунга: Ўзбекистоннинг денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги; телекоммуникация алоқаларининг суст ривожланганлиги; иқтисодиётда миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан айирбошлаш курси пастлиги; айрим қонунлар ва меъёрий ҳужжатлардаги камчиликлар мавжудлиги ва хусусан, фойдали қазилмалар бўйича махсус қонунларнинг қабул қилинмаганлиги; кредит тизимидаги мавжуд камчиликлар ва қимматли қоғозлар бозорининг эндиgina шаклланиб келаётганлиги, ҳукумат томонидан берилган имтиёзлар фақатgina тадбиркорликнинг миллий тартиботига нисбатан жорий этилганлиги, унинг жаҳон амалиётига тўла маънода мувофиқлаштирилмаганлиги кабилар сабаб бўлмоқда дейиш мумкин.

² Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

Демак, бугунги кунда республика иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига янада интеграциялаш зарур. Бунинг учун ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат олиб бориш лозим. Республика иқтисодиётининг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш зарурдир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси, - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 80 б.